



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil «29» июль

№ПҚ-336

Спорт курашларининг олимпия турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларининг навбатдаги ёзги ва қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиши учун тайёргарлик ишларини жадаллаштириш тұғрисида”ги ПҚ-127-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, спорт курашларини олимпия спорт турлари сифатида оммалаштириш, ёшлар орасидан спортчиларни саралаб олиш тизимини яхшилаш, миллий терма жамоаларимизнинг нұфузли спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишини таъминлаш мақсадида:

1. Қүйидагилар 2022–2024 йилларда спорт курашларининг олимпия турларини (эркин куаш ва юнон-рум кураши) (кейинги үринларда – спорт курашлари) **ривожлантиришнинг асосий йұналишлари** этиб белгилансин:

спорту курашларини ақоли үртасида кенг тарғиб қилиш, иқтидорли спортчиларни, шу жумладан спортчи аёлларни аниқлаш, танлаш ва **саралаш (селекция)** ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

хотин-қизларнинг спорт курашлари билан шуғулланиши ва профессионал спортчи бўлиши учун уларни жалб қилиш бўйича кенг ташкилий-амалий ва тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш;

спорту **замонавий илмий-методик тавсиялар** асосида тайёрлаш орқали ўқув-машқ жараёнини ташкил қилиш, уларнинг назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларини такомиллаштириш, профессионал маҳоратини шакллантириш, бу борада натижадор хорижий тренерлар, ҳакамлар ва мутахассисларни таклиф қилиш;

Бирлашган кураш дунёси тренерлари ва ҳакамларини ўқитиш дастурларидан фойдаланиш орқали профессионал тренерлар ва ҳакамларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини тизимли асосда ошириб бориш;

спорт курашлари бўйича маҳаллий ва халқаро мусобақаларни тизимли равишда ташкил қилиш, халқаро мусобақаларда иштирок этиш, шу жумладан Олимпия ва Осиё ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи **лицензияларни қўлга киритиш** ва ҳар Олимпия ва Осиё ўйинлари циклида уларнинг сонини **кўпайтириб бориш**;

спорчиларнинг профессионал маҳоратини ва тренерларнинг касбий малакасини ошириш учун спорт курашлари бўйича хорижий мактаблар билан **ҳамкорликни ривожлантириш** ва **тажриба алмашиш**, спорт курашларини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш.

2. Спорт курашларининг олимпия турларини 2022–2024 йилларда кенгроқ ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар дастурни **молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутиладиган маблағлар;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети маблағлари;

спорт федерация (ассоциация)лари, жамғармалар, клублар, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда спорт курашлари бўйича эркаклар ва аёллар жамоалари ўртасида навбатма-навбат республиканинг барча ҳудудларида (олимпия ва халқаро вазн тоифалари бўйича):

ёшлар ўртасида **Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун** халқаро спорт мусобақалари;

ўсмирлар ўртасида “**Uzbekistan-Grand Prix**” халқаро спорт мусобақалари;

катталар ўртасида “**New Uzbekistan**” халқаро спорт мусобақалари;

Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида “**Вазир кубоги**”, Давлат хавфсизлик хизмати тизимида “**Раис кубоги**”, Миллий гвардия тизимида “**Қўмондон кубоги**”, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида “**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси кубоги**”, “**Вилоят ҳокими кубоги**” ва “**Тошкент шаҳри ҳокими кубоги**” мусобақалари ўтказилади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев), тегишли масъул вазирлик ва идоралар билан биргалиқда:

уч ой муддатда ушбу бандда кўрсатилган мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

халқаро спорт мусобақалари 2023 йил 1 январдан бошлаб спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг **республика календарь режасига киритилишини таъминласин**;

халқаро спорт мусобақаларида маҳаллий курашчилар билан биргалиқда юқори рейтингга эга бўлган **чет эллик кучли** курашчилар, **халқаро** даражадаги тренерлар ва ҳакамларнинг **иштирокини таъминласин**;

юқоридаги мусобақаларни ўтказиш жараёнини маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳамда бошқа коммуникация манбаларида **кенг ёритсин**.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги (Б.Ибрагимов) юқоридаги мусобақаларни **туристик маршрутлар обьектлари** рўйхатига киритсин, уларга хорижий ва маҳаллий туристларни **жалб этиш** чораларини кўрсин.

4. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

ўз тизимларида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида уч **босқичли** (туман/шаҳар, вилоят ва республика) “**Вазир кубоги**”, “**Раис кубоги**”, “**Қўмондон кубоги**”, “**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси кубоги**”, “**Вилоят ҳокими кубоги**” ва “**Тошкент шаҳри ҳокими кубоги**” спорт мусобақалари ўтказилишини таъминласин, шунингдек, ғолиб ва совриндорларни муносиб рағбатлантириш чораларини кўрсин;

мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро спорт мусобақаларининг юқори савияда ташкил этилишида Спортни ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясиға ҳар томонлама яқиндан ёрдам кўрсатсин.

5. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг:

ўрта маҳсус, профессионал ҳамда олий таълим ташкилотлари ўқувчи ва талабалари ўртасида уюштириладиган “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақаларининг дастурларига спорт курашларини киритиш;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида спорт курашлари бўйича ўқишига қабул қилишнинг амалдаги давлат буюртмаси параметрларини босқичмабосқич ошириб бориш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

6. Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов) ва Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев) билан биргаликда:

а) 2023 йилдан бошлаб:

спорт мактаблари, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида спорт курашларининг камида битта тури бўйича, шунингдек, ихтисослаштирилган спорт мактабларида спорт курашларининг иккита тури бўйича **секция ва бўлимлар ташкил этсин**. Бунда, мазкур секция ва бўлимларни ташкил қилишига собиқ болалар-ўсмиirlар спорт мактаблари ва уларнинг филиалларини мақбуллаштириш ва улар ходимларини қисқартириш натижасида бўшаб қолган бюджет маблағлари йўналтирилади;

спорт курашлари бўйича Ўзбекистон чемпионатлари ва кубоклари **ғолиблари ва совриндорларининг** (1–3-ўринлар), қоида тариқасида, биринчи навбатда халқаро спорт мусобақалари ва ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этишини таъминласин;

спорт курашлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоалари ва уларнинг захира таркибларининг **маҳаллий спортчилардан шакллантирилишига** алоҳида эътибор қаратсин;

спорт курашлари бўйича Ўзбекистон чемпионатлари ва кубокларида иштирок этадиган спортчиларнинг натижалари **хорижий малакали ҳакамлар томонидан баҳоланишини йўлга қўйсин**;

б) спорт курашлари бўйича миллий терма жамоаларнинг бош тренерлари иштирокида ҳудудларда **йил давомида** иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш сифатини янги босқичга кўтаришга қаратилган **ўқув-машғулот йиғинларини ташкил** этсин;

в) замонавий илмий ютуқлар ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тренер, ҳакам ва бошқа мутахассисларнинг касбий маҳоратини доимий ошириб бориш мақсадида маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида **семинарлар, маҳорат дарслари, ўқув машғулотлари** ташкил этсин.

7. 2022–2024 йилларда спорт курашларининг олимпия турларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси ва Спортни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг **ҳудудий бўлинмалари тўлақонли фаолият юритиши учун** зарур чораларни кўрсинг, шу жумладан уларнинг молиявий ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашсин;

аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва спорт курашларини оммалаштириш мақсадида туман (шаҳар) ва вилоят миқёсида ҳаваскорлар ўртасида **спорт курашлари бўйича мусобақаларни мунтазам ташкил қилсин** ва ушбу мақсадлар учун тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари ҳисобидан маблағ йўналтирун;

2022–2023 йилларда ҳар бир туман (шаҳар)да спорт курашлари бўйича ҳаваскор ва профессионал спортчилардан иборат бўлган клубларни ташкил қилсин;

маҳаллий ёш тренерлар ва истиқболли спортчиларнинг спорт курашлари бўйича хорижий мамлакатларда ташкил этиладиган ўқув-машғулот йиғинлари ва спорт мусобақаларида иштирок этиши билан боғлиқ жараёнларни тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромадлар режасидан ортириб бажарилган қисми ҳисобидан молиялаштирун.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов):

спорт курашлари бўйича ўтказиладиган жаҳон, қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларни, шу жумладан Ўзбекистонда ўтказиладиган вилоят ва республика биринчилклари ҳамда халқаро **спорт мусобақаларини мунтазам равишда ёритиш чораларини кўрсинг**;

мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишига оид теле- ва радио дастурлар, спортчиларнинг профессионал фаолияти ҳақида **маҳсус кўрсатувлар ва мақолалар тайёрласин**, ўтказиладиган брифинг ва пресс-конференцияларни ёритиб борсин.

10. Миллий антидопинг агентлиги (А.Садиков) бир ой муддатда спорт курашлари бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи **дастурни тасдиқласин ва амалиётга жорий қилсин**:

спорчилар ва тренерларни “шаффоф спорт”га тарғиб қилиш;

спорта фармакологик таъсирга эга дори препаратлари ва бошқа моддалардан тўғри фойдаланиш борасида спортчилар, тренерларнинг маданияти ва саводхонлигини ошириш тадбирларини ўтказиш;

спорчиларни антидопинг мавзуларига оид тегишли ўқув-ахборот материаллари ва турли кўргазмали маълумотлар билан таъминлаш;

спорчилар томонидан антидопинг қоидаларига қатъий риоя қилиниши устидан самарали антидопинг назоратини амалга ошириш.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири А.И. Икрамов, спортни ривожлантириш вазири ўринбосари Ш.Ш. Махмудов ҳамда Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси раиси С.К. Абдувалиев белгилансин ва уларга қўйидаги вазифалар юклансин:

иқтидорли ёшларни танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спорт курашчилари сифатида тайёрлаш ишларини самарали **ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш**;

худудларда спорт курашлари инфратузилмасини барпо этиш ва кенгайтириш бўйича **инвестиция ва грант маблағларини жалб қилиш**, бошқа зарур чора-тадбирларни белгилаш;

спорт курашларини таълим муассасалари, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш орқали оммалаштириш, **аҳолининг ушбу спорт турига қизиқишини ошириш**;

спорт курашлари бўйича мусобақаларни ўтказиш, ушбу йўналишда халқаро ва чет эл ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг **ҳомийлик хайрияларини жалб қилиш**;

2022–2024 йилларда спорт курашларининг олимпия турларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига тўлақонли эришиш;

ушбу қарорда белгиланган вазифалар ижросини ҳар ярим йилда камидан бир марта танқидий муҳокама қилиш, зарур чора-тадбирларни белгилаш.

12. Мазкур қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Спорт куашларининг олимпия турларини 2022–2024 йилларда кенгроқ ривожлантириш
дастури**

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизmlари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
1.	Спорт куашлари ривожланмаган ҳудудларда ушбу спорт турларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.	<p>1. Ҳудудларда спорт куашларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган омиллар ва муаммоларни ўрганиш учун ишчи гурӯҳ тузиш.</p> <p>2. Спорт куашлари ривожланмаган ҳудудларнинг мавжуд имкониятлари ва салоҳиятини таҳлил қилиш, спорт-таълим муассасалари ва клубларининг қамрови ва ресурс таъминоти, аҳолининг спорт куашларига бўлган қизиқишини ўрганиш.</p> <p>3. Ҳудудлarda спорт куашларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p>	2022 йил сентябрь 2022 йил сентябрь-октябрь 2022 йил ноябрь	Ижрочилар маблағлари	Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон спорт куашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
2.	Спорт куашлари билан шуғулланувчилар, тренерлар ва бошқа мутахассислар ҳақидаги	<p>1. Куашчилар ва тренерлар ҳақидаги маълумотларни шакллантириш ҳамда иқтидорли</p>	2022 йил декабрь	Ижрочилар маблағлари	Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов, М.Исмаилов),

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
	маълумотларни шакллантириш.	<p>ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) маҳсус спорт тизимини бошқариш платформасига жойлаштириш.</p> <p>2. Спорт курашлари бўйича фаолият кўрсатаётган клубларни хатловдан ўтказиш ва уларнинг реестрини юритиш.</p> <p>3. Таҳлил асосида натижадорлиги паст бўлган бош тренерлар ва мутахассислар ўрнини юқори натижадор хорижий тренерлар ва мутахассислар билан тўлдириш. Улар иштироқида маҳорат дарслари, семинар, конференция ва давра сұхбатлари ўтказиш.</p>	2022 йил октябрь Режага асосан		Адлия вазирлиги (Х.Мелиев), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев)
3.	Спорт мактаблари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари, Олимпия мактаблари ҳамда Олимпия ва Паралимпия колледжларида спорт курашлари бўйича секция ва бўлимлар ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини самарали йўлга қўйиш.	<p>1. Спорт мактаблари, ихтисослаштирилган спорт мактаблари, Олимпия мактаблари ҳамда Олимпия ва Паралимпия колледжларида фаолият кўрсатаётган спорт курашлари секция ва бўлимларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Хатлов натижаларига кўра қўйидагиларни:</p>	2022 йил ноябрь	Ижрочилар маблағлари	Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
			2023 йилдан бошлаб	Ижрочилар маблағлари	Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов), Молия вазирлиги

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>спорт мактаблари, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида спорт курашларининг камидা битта тури бўйича;</p> <p>ихтисослаштирилган спорт мактабларида спорт курашларининг иккита тури бўйича секция ва бўлимлар ташкил этиш.</p> <p>3. Ташкил этилган секция ва бўлимларни спорт-таълим муассасаларига тренерлар учун ажратилган штат бирликлари доирасида спорт курашлари бўйича тренерлар билан таъминлаш.</p>			(Ж.Абруев), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
4.	Худудларда спорт курашлари бўйича иқтидорли ёшларни танлаш ва саралаш (селекция) ишларини такомиллаштириш.	<p>1. Селекционерларни жалб қилган ҳолда ҳудудлардаги иқтидорли ёшларни аниқлаш.</p> <p>2. Саралаб олиш (селекция) йўли билан аниқланган иқтидорли ёшларни келажақда олий маҳоратли спортчи бўлиб шаклланиши учун спорт-таълим муассасаларига йўналтириш.</p>	2022 йилдан бошлаб доимий	Ижрочилар маблағлари	Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
5.	Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида спорт курашларини оммалаштириш.	<p>1. Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимидағи таълим ташкилотларида спорт курашлари бўйича клублар ташкил этиш ва малакали тренерлар билан тўлдириш.</p> <p>2. Ўрта маҳсус, професионал ҳамда олий таълим ташкилотлари ўқувчи ва талабалари ўртасида ўтказиладиган “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақаларида ўтказиладиган спорт турлари рўйхатига спорт курашларини киритиш.</p>	2022 йилдан бошлаб доимий	Ижрочилар маблағлари	Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов), Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев)
6.	2025 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ўйинларига спорт курашлари бўйича пухта тайёргарлик кўриш ва унда муносиб иштирок этиш учун зарур чоралар кўриш.	<p>1. Спорт курашлари турлари бўйича терма жамоага малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш.</p> <p>2. Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси томонидан 2025 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ўйинларига тайёргарлик кўриш дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Дастурга мувофиқ терма жамоа аъзолари учун республикада маҳаллий ва халқаро ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш.</p>	2022 йилдан бошлаб	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режаси доирасида ажратилган маблағлар	Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев)

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		4. Терма жамоа аъзоларини нуфузли халқаро мусобақаларда иштирокини таъминлаш.			
7.	Спорт курашлари бўйича тренер, ҳакам ва бошқа мутахассисларнинг малакасини ошириш, ўқув-машқ жараёнига жаҳоннинг етакчи мутахассисларини тизимли асосда жалб этиш ҳамда кадрлар ўртасида тажриба алмашиш.	<p>1. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида спорт курашлари турлари бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.</p> <p>2. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида хорижий давлатлар билан ҳамкорлик асосида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда масофавий таълимни ташкил этиш.</p>	2022/2023 ўқув йилидан бошлаб режага асосан	Ижрочилар маблағлари	Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев)
8.	Спорт курашлари бўйича ўқув-машғулотлар жараёнига замонавий илмий-инновацион технологияларни жорий қилиш, ёш тадқиқотчиларни илмий фаолиятга жалб этиш.	<p>1. Ёш тадқиқотчиларни спорт курашлари бўйича илмий фаолиятга кенг жалб этиш.</p> <p>2. Илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ спорт курашларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган лойиҳалар танловини ташкил этиш.</p>	2023/2024 ўқув йилидан бошлаб	Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ажратилган маблағлар	Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ш.Турдикулова), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Р.Хакимов), Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев)

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		3. Спорт курашлари билан шуғулланишга қизиқиши оширишга йўналтирилган замонавий ўқув адабиётлари ва қўлланмаларни тайёрлаш ҳамда нашр этиш.			
9.	Спорт курашлари турларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш.	<p>1. Спорт курашлари турларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган лойиҳа мавзуларини шакллантириш ва танлов эълон қилиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига ўрнатилган тартибда тақдим этиш.</p> <p>2. Тақдим этилган лойиҳа мавзуларини саралаб олиб, амалий ҳамда инновацион лойиҳалар танловини эълон қилиш.</p> <p>3. Танлов натижаларига кўра ғолиб деб топилган лойиҳа ижрочилари таркибига ёш тадқиқотчиларни жалб қилиш.</p>	2023/2024 ўқув йилидан бошлаб	Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида ажратилган маблағлар	<p>Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов),</p> <p>Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев),</p> <p>Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А.Тошқулов)</p> <p>Инновацион ривожланиш вазирлиги (Ш.Турдикулова)</p>
10.	Спорт курашлари билан шуғулланишни оммалаштириш ва ривожлантириш.	1. Ҳар бир ҳудудда 23 май – Спорт курашлари кунига бағишилаб мусобақалар ва флемшмоблар ташкил этиш.	Ҳар йили май	Ижрочилар маблағлари	<p>Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов),</p> <p>Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон</p>

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш мүддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		2. Ахолига қулай жойларда, шунингдек, ижтимоий тармоқлар ва Интернет сайтларида спорт курашлари иншоотлари (заллар, клублар) түғрисидаги маълумотларни локация кўрсатилган жойлаштириш.	2022 йил августдан бошлаб, доимий		спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев)
11.	Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда спорт курашлари турларини ривожлантириш ва оммалаштириш.	<p>1. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия тизимида спорт курашларини оммалаштириш ва ривожлантириш, ҳарбий хизматчи ва ходимларини ушбу спорт турларига кенг жалб қилиш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни спорт курашлари бўйича хорижий мамлакатларда фойдаланилаётган ўқув-услубий қўлланмалар, адабиётлар ва бошқа ахборот материаллари билан таъминлаш.</p> <p>3. Қуролли Кучлар тизими ҳарбий хизматчилари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар</p>	<p>2022 йил сентябрь</p> <p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022–2024 йиллар давомида</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Мудофаа вазирлиги (Б.Курбанов), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобоҷонов), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (А.Қўлдошев), Давлат хавфсизлик хизмати (А.Азизов), Миллий гвардия (Р.Джураев), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев)</p>

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		ходимлари орасидан сифатли спорт захираси ва мамлакат терма жамоалари таркибини шакллантириш.			
12.	Бирлашган кураш дунёси, Осиё спорт курашлари федерацияси ҳамда етакчи хорижий мамлакатларнинг спорт курашлари бўйича федерация (ассоциация)лари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш.	<p>1. Бирлашган кураш дунёси, Осиё спорт курашлари федерациясининг масъул лавозимларига мамлакатимиздаги спорт курашлари турлари бўйича етук мутахассис, спортчи ва тренерлари орасидан номзодларни илгари суриш.</p> <p>2. Спорт курашлари бўйича жаҳон рейтингларида юқори ўринларни эгаллаган давлатлар, жумладан АҚШ, Арманистон, Венгрия, Грузия, Куба, Озарбайжон, Россия, Туркия, Эрон, Япония ва бошқа давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий қилиш, уларнинг спорт федерация (ассоциация)лари билан ҳамкорликни кучайтириш. Бунда, ёшларни спортга жалб этиш, спортчилар билан ишлаш ва халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш.</p>	2022 йилдан бошлаб	Ижрочилар ва ҳомийлар маблағлари	Спортни ривожлантириш вазирлиги (Ш.Махмудов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (О.Қосимов), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев)

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
13.	Ўзбекистонда анъанавий тарзда спорт курашлари бўйича эркаклар ва аёллар жамоалари ўртасида (олимпия ва халқаро вазн тоифалари бўйича) халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш.	<p>1. Ёшлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро спорт мусобақаларини Тошкент шаҳрида ўтказиш.</p> <p>2. Ўсмирлар ўртасида “Uzbekistan-Grand Prix” халқаро спорт мусобақаларини Термиз шаҳрида ўтказиш.</p> <p>3. Катталар ўртасида “New Uzbekistan” халқаро спорт мусобақаларини Нукус шаҳрида ўтказиш.</p> <p>4. Ҳар бир халқаро спорт мусобақаси ғолиб ва совриндорларини муносиб рағбатлантириш.</p>	<p>2023 йил март</p> <p>2023 йил июнь</p> <p>2023 йил октябрь</p>	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режаси доирасида ажратилган маблағлар	Спортни ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Махмудов</i>), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (<i>О.Қосимов</i>), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (<i>С.Абдувалиев</i>), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (<i>К.Сариев</i>), Сурхондарё (<i>Т.Боболов</i>) вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (<i>Ж.Артиқходжаев</i>)
14.	Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Интернет орқали спорт курашларини кенг тарғиб қилиш.	<p>1. Қўйидагиларни назарда тутувчи медиа-режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Спорт” телеканалида спорт курашлари бўйича маҳаллий ва халқаро мусобақалар, спортчиларимиз томонидан эришилган ютуқларни мунтазам ёритиб бориш мақсадида “Спорт курашлари” маҳсус рукнини ташкил қилиш;</p>	<p>Ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш – 2022 йил сентябрь</p> <p>Амалга ошириш – 2022–2024 йиллар давомида</p>	Ижрочилар маблағлари	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (<i>А.Хаджаев</i>), Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси (<i>Ш.Қудратхўјса</i>), Спортни ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш.Махмудов</i>), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (<i>О.Қосимов</i>), Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (<i>С.Абдувалиев</i>)

№	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш муддатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		<p>худудий телеканаллар ва оммавий ахборот воситаларида спорт курашларини кенг ёритиш ишларини доимий равишда ташкиллаштириб бориш;</p> <p>машҳур спортчилар билан давра сұхбатлари, мулоқотлар ва маҳорат дарсларини ўтказиш;</p> <p>спорт журналистларининг спорт курашлари ютуқлари таҳлилига бағишиланган кўрсатувларини оммавий ахборот воситаларида доимий ёритиб бориш.</p> <p>2. Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг веб-сайтини янгилаш, видеороликларни жойлаштириш, унинг ижтимоий тармоқлар ва видеохостинглардаги саҳифасини очиш.</p>	2022 йил ноябрь	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси маблағлари	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси (С.Абдувалиев)

**2022–2024 йилларда спорт курашларининг олимпия турларини ривожлантиришнинг
мақсадли кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида				Масъул ижрочилар
			2022	2023	2024	2025*	
1.	Спорт-таълим муассасаларида спорт курашлари билан шуғулланувчилар, шу жумладан	Нафар	14 853	15 740	17 320	19 060	Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
	эркин кураш бўйича		8 969	9 500	10 450	11 500	
	юнон-рум кураши бўйича		5 884	6 240	6 870	7 560	
2.	Спорт-таълим муассасаларида спорт курашлари билан шуғулданаётган аёллар, шу жумладан	Нафар	642	700	770	840	Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
	эркин кураш бўйича		642	700	770	840	
	3.	Сон	1 304	1 375	1 450	1 550	Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
4.	Спорт-таълим муассасаларидаги спорт курашлари бўлимлари (секциялари, груҳлари), шу жумладан		802	825	850	900	
	эркин кураш бўйича		502	550	600	650	
	юнон-рум кураши бўйича		10	12	14	16	
	Спорт-таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида спорт курашлари бўйича ташкил этиладиган мусобақалар, шу жумладан	Сон	5	6	7	8	Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
	эркин кураш бўйича		5	6	7	8	
	юнон-рум кураши бўйича						

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида				Масъул ижрочилар
			2022	2023	2024	2025*	
5.	Спорт курашлари бўйича терма жамоаларнинг халқаро спорт мусобақаларида иштирокини таъминлаш, шу жумладан	Сон	12	14	16	18	Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
	эркин кураш бўйича		6	7	8	9	
	юнон-рум кураши бўйича		6	7	8	9	
6.	Ўзбекистонда спорт курашлари бўйича Осиё ва Жаҳон чемпионатлари ҳамда нуфузли халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш, шу жумладан	Сон		2	2		Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
	эркин кураш бўйича			1	1		
	юнон-рум кураши бўйича			1	1		
7.	Спорт-таълим муассасаларидаги спорт курашлари бўйича тренерлар, шу жумладан	Нафар	721	778	846	918	Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
	эркин кураш бўйича		435	478	526	578	
	юнон-рум кураши бўйича		286	300	320	340	
8.	Спорт-таълим муассасаларидаги спорт курашлари бўйича олий маълумотли тренерлар	Фоиз (жами тренерлар сонига нисбатан)	60	65	75	85	Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси
9.	Спорт курашлари бўйича халқаро тоифадаги ҳакамлар	Нафар	8	9	10	11	Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси, Спортни ривожлантириш вазирлиги

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида				Масъул ижрочилар
			2022	2023	2024	2025*	
10.	Спорт-таълим мұассасаларида фаолият юритаётган спорт курашлари бўйича ҳакамларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш	Фоиз (жами ҳакамлар сонига нисбатан)	8	9	10	11	Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси

*) прогноз кўрсаткич.

